

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2024-yil 16-may, payshanba

№ 20 (9288)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

ҚУВА БОҒЛАРИДА ПИШГАН ЎРИК ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Айни кунларда Фарғона вилояти Қува тумани қир-адирларида пишган ўрик ҳосилини пешма-пеш хорижга экспорт қилишга киришилди. Тумanning "Турк" МФЙ ҳудудида йиллар давомида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмай ётган дашт ерларида бугунги кунда мевазор боғлар барқ уриб яшнамоқда.

"Ашуров Мўминжон" мевасабзавотчилик кластери томонидан бундан уч йил олдин тошлоқ ерлар ўзлаштирилиб, 80 гектар майдонда Туркиядан келтирилган ўрик кўчатлари экилган эди. Интенсив усулда парваришланган боғ икки йилда ҳосилга кирди. Ҳозирда ўрик меваси териб олиниб, Марказий Осиё давлатлари, Россияга экспортга жўнатиляпти. Миришкор боғбонлар жорий йилда 100 тоннадан ортиқ мева экспорт қилишни мақсад қилишган.

Мевазор боғда Туркия технологияси асосида юз фоз томчилаб суғориш технологияси жорий этилган бўлиб, бу сувни анъанавий усулга қараганда камида беш-олти мартаба тежаш ҳамда суғориш билан боғлик бошқа харажатларни сезиларли даражада қисқартириш имконини бераётир. Ўз навбатида бундай замонавий ёндашув натижасида кўчатлар бир текис ривожланиб, ҳосилдорлик салмоғи юқори бўлиши таъминланяпти.

Мева-сабзавотчилик кластери қошида 8 гектар ерда кўчатчилик тармоғи йўлга қўйилиб, бу йил мамлакатимиз бўйлаб 2 миллиард сўмлик



ўрик кўчатлари етказиб берилди. Ҳозирда 1 гектар ерда транспорт-логистика маркази бунёд этиляпти. Бу

ерда маҳсулотни қадоқлаш, юклаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, 2 минг тонна сифимга эга музлат-

гичли омборхона ташкил этилади.

Бугунги кунда 70 та доимий ва 200 дан зиёд мавсумий иш ўрни яратилган мева-сабзавотчилик кластери тасарруфида илм-фан ютуқлари ва инновация ғоялари асосида яна 30 гектар мевазор боғ барпо этиш режалаштирилмоқда. Бу қўшимча 50 га яқин янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати



НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

КИМЁГАРЛАР ПИЛЛАЧИЛИКНИ ҲАМ ЎЗЛАШТИРИШДИ

"Навоийазот" акциядорлик жамияти Навоий вилоятидаги энг йирик sanoat корхоналаридан биридир. Яқинда акциядорлик жамияти оила ва хотин-қизлар хизмати бўлими томонидан корхонада ишлаётган ходимларнинг ишсиз оила аъзолари бандлигини таъминлаш мақсадида хайрли ташаббусга қўл урилди.



Президентимизнинг "Пиллачилик соҳасида касаначиликни қўллаб қувватлаш ҳамда пилла этиштириш учун озуқа базасини янадан кенгайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида, корхона ишчи-ходимлари ва уларнинг оилаларини даромадли меҳнат билан банд қилиш, касаначиликни ривожлантириш мақсадида пиллачилик ва ипакчилик йўналишларида қўшимча иш билан таъминлаш чоралари кўрилди. Жамоада фаолият юритаётган ишчи-ходимларнинг ишсиз оила аъзолари рўйхати шакллантирилди. Кармана туманидаги "Навоий Силк Продюшн 2020" МЧЖ ҳамда Навбахор туманидаги "Ал-Азиз ипак" кластери билан 100 нафардан жами 200 нафар иш билан банд бўлмаган фуқароларнинг мавсумий иш билан банд қилиш мақсадида кооперация шартномалари имзоланди. Худудий пиллачилик кластерлари билан ҳамкорликда ипак курти парваришланган биналар ва озуқа масалаларини ҳал қилиш юзасидан учрашув ташкил этилиб, бу борада амалга оширилиши керак бўлган ишлар келишиб олинди.

(Давоми 3-саҳифада)

ТОМОРҚАДАН ТАЯНЧ ЯРАТГАН АММАМ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Икки оёғи, икки қўли бутун, соғлом бўла туриб маҳалла, ҳокимият эшиги тагида моддий ёрдам сўраганларни кўриб, ғалати бўлиб кетаман. Балки бизнинг томонларда экин-тикин учун яхши имкониятлар борлиги учунми, хуллас, қишлоқ шароитида, каттагина ерли ҳовлиларда яшаганим учунми, менга эриш туюлаверади шекилли. Янаям билмадим, бировнинг шароитини тушунмасдан хулоса қилиш қийин, албатта...



Хуллас, қишлоқда томорқадан унумли фойдаланиб, меҳнатдан қочмай кетмон чопган инсон ҳеч қачон оч қолмайди, деган хулосада доим қатъийман. Яна устига устак ҳам соғлом бўлади, ҳам дастурхони тўкин бўлади, деб уйлайман. Бу ҳикоям қахрамонининг ҳаёт

тарзи бу фикримни янада мустаҳкамлайди. Ерли, сувли жойда яшаб ночорман, деганларни бироз бўлса-да тушунишимга йўл бермайди. Яна бунинг устига бу қахрамонимни узоқдан эмас, жуда яқиндан биламан, хулосаларим алдамайди. (Давоми 3-саҳифада)



СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАМИЗ?

Болалик чоғларимизни эсласам энтиқиб кетаман. Онамиз тандирда пиширган иссиқ, ширин кулчаларни анҳорга оқизиб, совитиб маза қилиб ердик. Бир томонда бодрингни, яна бир томонига помидорни думидан боғлаб, муздек қилиб еганларимиз ёдимда.

Оталаримиз катта қозонларда пиширган, жамбул шоҳлари устини беазаган қўйи гўштидан бўлган шўрвалар танамизга ҳузур бағишларди. Эҳ... деймиз. Бугунгидек оппоқ нонларни еб, ортганини ахлат кутиларида ташлаш қаёқда, дейсиз? Ноннинг увоғи ҳам нон, дея кўзга суртади ота-оналаримиз. Тегирмондан чиққан буғдой унингдан тайёрланган қорароқ, аммо, мазаси оғизда қоладиган нонларни шўрвага бўктириб ейишнинг завқини туйганмиз...

Шуларни ўйлар эканман, у вақтларда бутун бошли шаҳарларда 3-4 та шифокор бўлиши, момоларимизнинг сичат-саломатлигидан мақтанб қўйишлари хаёлимга келди.

Бугунчи? Бутун қайси касалхонага борманг, беморларга тўла, баъзан навбат етмайди. Худди соғ одам қолмагандек. Шу ўринда бир эслайлик, болалигимизда эрта тонгда дастурхонимизни ўрик, майиз, ҳатто тут майиз, ёнғоқ, қаймоқлар тўлдирса, бугунги дастурхонларимиз аввалгидан ўн баробар шоҳона. Сосиска, колбаса, сариёғ, оддий қовурилган тухумнинг устига ҳам кетчуп, майонез сурамиз. Таркиби бутунлай зарарли ва сунъий равишда узоқ муддат сақланишини таъминлайдиган турфа кимёвий қўшимчаларга бой ширинликлар... Эҳ-хе, буларнинг номини узоқ санаймизу соғлигимизни ўзимиз бой бераётганимизни ўйлаб ҳам кўрмаймиз. (Давоми 2-саҳифада)

БУХОРО ВИЛОЯТИ

МАВЖУД СУВ РЕСУРСЛАРИ УНДАН НИХОЯТДА ОҚИЛОНА, ТЕЖАБ-ТЕРГАБ ФЙДАЛАНИШНИ ТАЛАБ ЭТАЁТГАНИ БАРЧАМИЗГА МАЪЛУМ, АЛБАТТА. ОБИҲАЁТ ТОМОРҚАМИЗДАГИ БИР ПАРЧА ЕРГА ҲАМ, МИНГЛАБ ГЕКТАР ЭКИН МАЙДОНЛАРИГА ҲАМ ҲАЁТ БАҒИШЛАЙДИ.

Бу бебаҳо неъматнинг қадр, ундан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш ниҳоятда муҳим эканлиги хусусида тинимсиз гапирамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, мавжуд сув ресурслари шуни тақозо қилмоқда. Унинг беҳуда сарф бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Унинг кўпроқ зиён кўради. Қўп бора таъкидланганидек: оқизиб қўйма бекор, унда келажак авлодларнинг ҳам ҳақи бор! Шундай экан, буни унутишга ҳеч биримизнинг ҳақимиз йўқ.

Мамлакатимизда бу борадаги ишлар айнан шу тамойил асосида олиб борилмоқда. Айниқса, экин майдонларини суғоришни тўғри ташкил этиш, палла-партишликка йўл қўймайди алоҳида эътибор қаратиляпти. Аввалгидек, сувнинг қаровсиз ҳолда

эгатлардан тошиб ётишига қўпам дуч келавермаймиз. Назорат кучайтирилгани боис экинларни суғоришга ҳам масъулият билан ёндашилмоқда. Қолаверса, соҳа вакиллари томонидан фермерлар, сувчилар ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишлари ҳам яхши самара бермоқда. Буларнинг барчаси аҳоли томорқаларини, минглаб гектар экин майдонларини ўз вақтида обиҳаёт билан таъминлаш, пировардида халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишда муҳим ўрин тумоқда.

Бу борада Бухоро вилоятиги сувдан фойдаланувчиларга ўз вақтида обиҳаёт етказиб бераётган Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. (Давоми 2-саҳифада)

Ирригация тизимларида



ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФЙДАЛАНИШ ФАО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Кеча Қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдурахмонов мазкур конференция доирасида «Табиий ресурслардан оқилон фойдаланишда рақамлаштириш ва инновациялар ўрни» мавзусидаги панел сессияда иштирок этди. Унда Ўзбекистон, Албания ва Молдова қишлоқ хўжалиги вазирилари нутқ сўзлади.

Ўз навбатида вазир сўзлаган нутқида қишлоқ хўжалигини иқлим ўзгаришига мослаштириш, ерлардан самарали фойдаланиш ва соҳани илмий ривожлантиришда рақамлаштириш ва инновацияларни жорий этиш муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Бундан ташқари, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқлим ўзгаришига мослашиш ва соҳанинг иқлимга салбий таъсирини юмшатиш бўйича миллий дастур ишлаб чиқилгани, агрометеорология станциялари ўрнатиш, ерни лазерли текислаш харажатлари учун субсидия ажратиш, "Ақли қишлоқ хўжалиги" амалиётлари

ни кенгайтириш ва соҳадаги иссиқхона газларидан фойдаланишни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди.

Шунингдек, Европа ва Марказий Осиё ўртасида иқлим ўзгаришига мослашиш ва инновацияларни жорий этиш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Нутқ сўнгидан вазир шундан ташқари, ерни лазерли текислаш харажатлари учун субсидия ажратиш, "Ақли қишлоқ хўжалиги" амалиётлари

вазирилари нутқ сўзлади.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАМИЗ?

(Боши 1-саҳифада)

Ўша болалик даврларимизни эсласак, бугунгидек дастурхонларимизни ярим тайёр маҳсулотлар тўлдириб турмасди. Ота-боболаримиз илғим тўқ бўлади, деб битта кўйини сўйиб, ёгда яхшилаб қовуриб, хумларга жойлаб қўйишарди. Мактабдан қайтгач, бир бўлак гўштни олиб, қора нонимизга қўшиб еб, кўйи ёки мол боққани далаларга отланардик. Оёқларимиз туپроқнинг қизигида пишиб, бугунгидек шамоллашларни билмасдик, ҳар бир табиийликда бир ҳикмат бор эди. Бугун ҳатто, кичик ёшдаги фарзандларимизнинг қўлида ёнинг иссиқ кунларида ранг қўшилган музқаймоқлар, ширинликлар, чипс ва қотирилган лағмон маҳсулотларию, кимёвий қўшимчалар билан тўйинтирилган салқин ичимликлар... Ҳудди, инсон танаси бир майдону унга бир машина "чиқинди" тўқилаётгандек, шўрлик тана аъзоларимиз бу нотаниш моддалардан бешиб, "дод" деб юбораётгандек назаримда. Балки, биз соғлом овқатланишни унутиб қўйганлигимиз учун ҳам бугун турли хил юқумли ва юқумсиз касалликлар сони ортиб бораётгандир? Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг 1 чорагида Ўзбекистонда 40 мингдан зиёд киши вафот этди. Қон айланиш тизими касалликларидан 57,9, ўсимталардан 9,1, нафас олиш аъзолари касалликларидан 7,5, бахтсиз ҳодиса, заҳарланш ва жароҳатланишлардан 4,5, овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан 4,1, юқумли ва паразитар касалликлардан 1,2, бошқа касалликлардан вафот этганлар эса 15,7 фоизни ташкил этади.



Орифжон УЛМАСОВ, "Адолат" СДП Фарғона вилояти Кенгаши раиси ўринбосари.

Бугун ёшлар ўртасида урф бўлган энергетик ичимликлар илк бор 1960 йилда Японияда дори воситаси сифатида яратилган. Кейинчалик Европа ва АҚШни "забт этгач", бизнесменлар бу маҳсулотни оммалаштириш учун таркибига бир қанча кимёвий моддаларни қўшибган. 2014 йилга келиб, ЖССТ ўсмирлар ўртасида энергетик ичимликлар кўп истеъмол қилинаётгани юзасидан хавотирли баёнот билан чиқди. 2017 йилда эса АҚШда 16 ёшли ўсмирнинг ўлимига кўп миқдорда истеъмол қилинган энергетик ичимлик сабаб бўлгани айтилди. Энергетик ичимликлардан заҳарланаётган ёшлар ҳақидаги хабарларни кунора ижтимоий тармоқлар орқали ўзингиз ҳам ўқиб турибсиз. Афсуски, бугунги ёшларимиз бундан ҳушёр тортиш ўрнига, аксинча унинг қарамига айланиб бораётди. Бир кун ишхонада бир йигит юрагини чангаллаганича йиқилиб тушди. У энергетик ичимликларга муккасидан кетганлиги сабаб оғир ахволга тушган экан.

Энергетик ичимликлар меъёрдан ортқ ва сурункали истеъмол қилинса, бош мия, марказий нерв тизими, бўғимлар ва бошқа аъзоларга жиддий зиён етди. Таркибидagi кофеин психостимулятор модда. У вақтинчалик тетиклик ҳиссини бағишлаб, чарқокни аритиши, ақлий фаолиятни кучайтириши мумкин, аммо маълум бир вақтдан сўнг, масалан, 1-1,5 соат ўтгач, инсон организмда ҳорғинлик баттар кучаяди, бош оғриғи пайдо бўлади ва нафақат ақлий, балки жисмоний фаолият ҳам сусаяди. Бундай маҳсулотларни тез-тез истеъмол қилувчиларда кейинчалик бўғимларда оғриқлар пайдо бўла бошлади ва маълум бир асоратларга олиб келади. Маълумотларга кўра, энергетик ичимликлар руҳий касалликларга чалиниш хавфини ошириб, одамда тажовузкорликни кучайтирар экан. Болаларнинг зехни ўтмаслашиб, дарсларни ўзлаштириши пайсаб кетиши, ногирон, ақли заиф фарзандлар туғилиши айни шундай иллатларнинг ҳам асорати, десак хато бўлмайди.

Тангри бизга ақл-идрокини бериб қўйибди. Ҳаммамиз ҳам фарзандларимиз бахтли, саодатли аҳасин, деймиз. Аммо овқатимиз таркибидан зарарли моддаларни чиқариб ташламас эканмиз, болаларимизни, ўзимизни касалликларга мубтало қилаверамиз.

(Боши 1-саҳифада)

Бошқарма ва унинг тизимидаги жамоалар истеъмолчиларга одилона, оқилон сув тақсимлаш, хўжаликларо каналларни эксплуатация қилиш, каналлардаги гидротехник қурилмаларни, сув ўлчаш постларини соз ҳолатда сақлаш, тозалаш, бетонлаштириш, таъмирлаш ишлари ва сув хўжалиги соҳасида ягона стратегик сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш йўлида ҳамфикр, ҳамжиҳат бўлишиб, кўплаб ютуқларга эришмоқдалар.

Бугунги кунда вилоят сув хўжалиги ташкилотлари ҳисобида 2,148 минг км. узунликдаги суғориш тармоқлари, 1124 дон гидротехник иншоот ва 1320 та гидрост, 50 та насос станцияси, 317 та суғориш ва 745 та тик дренаж қудуқлари, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 9436,2 км. узунликда коллектор-дренаж тармоқлари мавжуд бўлиб, шундан 133,8 км. туманларо, 1055,5 км. магистрал, 7087,3 км. хўжаликларо, 1159,6 км. ёпиқ дренаж тармоқлари ва уларда 2567 та иншоот ҳамда 3134 та назорат қудуқлари хизмат қилади. Шунингдек, фермер хўжаликлари ва кластер хўжаликлари ҳисобида

14,5 минг км. узунликдаги ички суғориш тармоқлари, уларда 5232 та гидротехник иншоот, 7725 та гидрост ва 721 та насос агрегати мавжуд бўлиб, улардан самарали фойдаланилмоқда. Бошқарманинг тажрибали мутахассисларидан иборат гуруҳлар сув истеъмолчилари ўртасида суғориш жараёнлари, обиҳаётдан оқилон фойдаланиш, тежамкор технологияларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича мунтазам тушунтириш ишларини олиб боришмоқда ва бу борада ижобий натижаларга эришилмоқда. Жамоа аъзолари томонидан ҳар йили белгиланган режалар муваффақиятли удаланиб келинапти.

– Албатта, экин майдонларини ўз

қилиш ҳамда 39 дон суғориш қудуғини қуриш белгиланган. Бугунги кунгача амалда 11 та объектда 48,4 км. (34,4 км. бетонлаштириш ишлари, 14 км. реконструкция) узунликдаги каналларда қуриш ва реконструкция қилиш ишлари яъни йиллик режа 63 фоизга бажарилди, 8 та объектда ишлар тўлиқ ақунланиб объектлар фойдаланишга топширилди. Жорий йилда 44,5 км. узунликдаги очик коллекторлар, 2,5 км. узунликдаги ёпиқ ётиқ коллекторлар, 60 дон тик дренаж қудуқлар ҳамда 180 дон кузатув қудуқларида қуриш ва реконструкция қилиш ишларини бажаришни режалаштирганмиз. Амалда 18,7 км. узунликдаги очик коллекторлар, 21 дон тик дренаж қудуқларида қуриш ва реконструкция ишлари йиллик режага нисбатан салкам 80 фоизга удаланди.



ҲАР ҚАТРАСИДА ҲОСИЛ БАРАКАСИ БОР



Ҳудди шунингдек, 19 та мелиорация объектида таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилиши режалаштирилган бўлиб, бунда 935,2 км. очик коллекторлар, 21 км. ёпиқ-ётиқ коллекторлар, 29 та тик дренаж қудуғи, 14 та гидротехник иншоотни таъмирлаш, тиклаш кўзда тутилган. Амалда 95,4 км. узунликдаги коллекторларда, 5 та тик дренаж қудуқларида ҳамда 2 та гидротехник иншоотларни таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтган йилнинг 29 ноябр кунини кенгайтирилган тарзда ўтказилган видео селектор йиғилишининг 45-сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида 2023-2024 йиллар кузги-қишқи мавсумда сув йўқотилишининг олдини олиш мақсадида 1200 км. узунликдаги ички суғориш тармоқларини вегетация мавсумига бетонлаштириш режалаштирилган. Жорий йилнинг 20 апрелигача ушбу режа 66 фоизга бажарилди. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2022

йил 27 сентябрдаги "Орол бўйи ҳавзасида сув ресурсларини иқлим ўзгаришига мос ҳолда бошқариш лойиҳасини Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олот, Қорақўл, Жондор ва Бухоро туманларини сув билан таъминловчи "Жондор" туманларо канални модернизация қилиш лойиҳаси доирасида умумий қиймати 29,1 млн. АҚШ доллари бўлган қатор ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш белгиланган. "Жондор" каналнинг 22,56 км. қисми бетонлаштириш ва унинг сув ўтказиш қобилиятини 43,0 м³/сек дан 56 м³/сек га етказиш, каналдаги 96 та гидротехник иншоотни қайта тиклаш, каналда 32 та "SCADA" рақамли тизимини жорий қилиш ва бошқарув тизимини автоматлаштириш, 500 гектар ер майдонидан томчилаб суғориш тизимини жорий қилиш, 3 минг гектар ер майдонини чуқур юмшатиш ва лазерли текислаш, 1547 км. узунликдаги коллектор-дренаж тизимларини тозалаш шулар жумласидандир. Бугунги кунда ушбу лойиҳа доирасида "Жондор" каналда пурақачи ташкилот Хитойнинг "China GEO Engineering Corporation" компанияси томонидан жорий йилнинг 1 май ҳолатида "Жондор" каналнинг 37,8 км. қисмида 782457 метр куб туپроқ ишлари амалга оширилди, 6 км. узунликдаги қисми бетонлаштирилди. Ушбу тадбирларни давом эттириш учун иш фронтлари яратиб берилган бўлиб, жорий йил ветагия мавсумидан кейин 64,1 км. узунликдаги туманларо ва хўжаликларо каналларни бетонлаштириш бўйича барча бирламчи ҳужжатлар тайёрланди. Эътиборли жиҳати, мазкур бошқармада ишнинг кўзини биладиган, фидойи соҳа вакиллари қўлчилигини ташкил этадики, бу тизимда барча ишларнинг изчиллик билан, сифатли тарзда бажарилишини таъминлашга, ютуқлар салмоғининг ортишига хизмат қилаётди.

Ориф ЖУМАНОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.



ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ

"МАМЛАКАТНИ ҚУДРАТЛИ, МИЛЛАТНИ БУЮК ҚИЛАДИГАН КУЧ ҲАМ БУ – ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДИР"

Президентимиз Шавкат Мирзиёев: "Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ", дея таъкидлаб ўтганди.

Дарҳақиқат, таълим-тарбия масаласи ҳар қандай жамият ривожининг устувор йўналиши саналади. Шу боис ҳам мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ривожлантириш ҳар доим давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, фарзандларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашлари, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, ёшларимиз қалбида она ватанга садоқат ва фидойилик

туйғуларини камол топтириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини, таълим-тарбия тизимини тубдан такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Соҳани янада ривожлантириш борасида қабул қилинган қатор давлат дастурлари асосида кўплаб таълим муассасалари янгидан қурилди, замонавий ўқув анжомлари билан таъминланди.



Юртимизда жорий йилда ҳам таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш борасида бир қатор вазифалар белгиланган. Албатта, белгиланган вазифалар катта сиёсий, маънавий, маърифий ва ижтимоий аҳамиятга

эга. Уларни тўлақонли бажариш, амалий натижаларни янада мустаҳкамлаш йўлида олиб бориладиган ишлар биз, ўқитувчилар, педагоглар зиммасига улкан масъулият юклайди. Мамлакатимизда сўнгги йил-

ларда таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш каби муҳим жиҳатларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу эса, албатта, таълим жараёнини янги сифат босқичига кўтариш учун хизмат қилмоқда. Жамиятда муаллимнинг обрў-эътибори ва мақомини кўтариш, ўқув дастурлари ва методикасини такомиллаштириш, мактабни таълимнинг кейинги босқичлари билан узвий боғлаш, ўқитувчиларни ортқича қоғозбозликдан халос этиб, ўз устида кўпроқ ишлаши учун шароит яратиш, мактаб инфратузилмаси ва ундаги маънавий муҳитни яхшилаш каби масалалар устуворлик касб этаётган бугунги даврда ҳар бир педагог, муаллим ўз устида мунтазам ишлаб, зиммасидаги масъулиятнинг нечоғлик катта эканлигини чуқур англамоғи даркор.

Озода ДАВРОНОВА, Косон туманидаги 86-мактаб директори.

“Меҳнат қилганнинг куни ўзгача, дангасаники ўзича ўтади”

Мутахассис тавсиялари

КУЗГИ БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИНГ ГУЛЛАШ, СУТ ПИШИШ ВА МУМ ПИШИШ ДАВРЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ТАДБИРЛАР

Ғаллачиликда суғориш муҳим агротехник тадбирлардан бири бўлиб, суғориш тупроқ иқлим шароити, ёғингарчилик миқдори ва ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Кузги бугдойнинг сувга бўлган эҳтиёжи ўсимликнинг транспирация коэффициентига кўра аниқланади.



Кузги бугдойнинг транспирация коэффициенти 400-450 бирликка тенг, яъни биологик ҳосил шаклланиши учун 400-450 бирлик сув сарфланади. Масалан, 100 центнер дон ҳосили етиштирилганда шунга мос равишда сомон ҳосили учун 6400-7200 метр куб сув талаб қилинади. Ўсимлик умумий сув сарфининг маълум қисмини ёғин сувлари ҳисобига қондиради. Ёғин миқдори 300 мм. бўлганда ўсимлик жами сув сарфининг 3000 метр кубини ёғин суви ҳисобига, 3400-4200 метр кубини эса суғориш суви ҳисобига қондирилади. Кузги бугдойнинг илдиз тизими попул илдиз ҳисобланиб, асосий фаол илдизлар тупроқнинг 0,5 метр қатламида жойлашган. Шунинг билан олган ҳолда суғориш муддати ва метёри тупроқнинг 0,5 метр қатламидаги намлик миқдорига нисбатан белгиланади. Дон шаклланиш ва тўлиш фазаси тўла аяқлангандан кейингина сув беришни тўхтатиш мумкин.

Кузги бугдойдаги физиологик жараёнларнинг жадал кечиши сувнинг бир текис сарфланишига боғлиқ. Бошоқли дон экинлари бошоқлаш – гуллаш фазасида сувни энг кўп сарфлайди. Бу даврда умумий барг сатҳи энг юқори даражага етган бўлиб, фотосинтезнинг энг юқори соф маҳсулдорлиги ҳам шу даврга тўғри келади. Суғоришда эгатларнинг узунлиги, сувнинг ортиқча сарфланиши, метёрдан ортиқ намланиши экинлар ривожига салбий таъсир кўрсатади. Эгат қанчалик узун бўлса, бу ҳосилдорликнинг камайишига, сувнинг ортиқча сарфланишига ва ўз ўрнида шўрланишнинг кучайишига олиб келади.

Ўсимликнинг намликка бўлган эҳтиёжи ўзгариб боради. Бугдойнинг ривожланиш фазалари бўйича намликка бўлган талаби униб чиқиш-тулланиш даврида 3, тулланиш-найчалаш даврида 22, найчалаш-гуллаш даврининг бошланишида 40, дон шаклланиш (сут пишиш, мум пишиш) даврида 33 ва пишиш даврида 2 фонзини ташкил этади. Кузги бугдой бугунги кунда гуллаш, сут пишиш ва мум пишиш фазаларида ривожланмоқда. Бу даврда ғалла ҳосили ва сифати ҳал бўлади. Бу ўта нозик давр бўлганлиги сабабли муайян агротехник тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади. Биринчидан, ғаллани ҳолати, тупроқ-иқлим шароитига қараб гектарига 100-150 кг. азотли ўғитлар билан озиклантириб, энгил сув бериш керак. Бу йил об-ҳаво мураккаб келганлиги туфайли, айрим ҳудудларда бўлган ёғингарчилик ҳисобига ғалла экилган майдонларнинг 10-15 см. қатламида ишқорий муҳит ҳосил бўлган. Бу эса ғалланинг илдизи орқали тўпланган озук, намликнинг ўзлаштирилишига тўсқинлик қилади. Лекин ўсимликнинг ўсиш-ривожланишига, ҳосилдорлигига кучли таъсир этмайди. Шунинг учун тупроқда ишқорий муҳит таъсирини камайитириш учун 600-700 метр куб/га. метёрдан энгил суғоришни ташкил этиш зарур. Сизот сувларининг жойлашуви, ёғингарчилик миқдори ва ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олинади.

Худудларнинг тупроқ-иқлим шароити ва ғалла навларининг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, тупроқдаги намлик ҳисобга олиниб, гектарига 500-700 м3/га. метёрида сув бериллади. Ер ости сувлар чуқурлиги 1-1,5 метр бўлганда суғориш тавсия этилмайди. Ер ости сувлари чуқур жойлашган, механик таркиби оғир бўз тупроқларда чекланган дала нам сизимига нисбатан тупроқ намлиги 70-70,75 фоиз бўлганда суғорилади. Ғалла экин майдонлари ер ости қатлами ҳолатига қараб, типс қатлам бўлган, сувни сингдириш қобилияти паст, тупроқ шўрланиши юқори майдонларни суғориш тавсия этилмайди. Агар бундай майдонлар суғорилса, сув секин ерга сингшиши натижасида 10-15 см. қатламда зах суви тўпланиб қолади. Шўрланади, ўсимликнинг ўсиш-ривожланиши тўхтаб қолди. Натижада, ҳосил камайиб, доннинг сифат кўрсаткичлари пасаяди. Бундай ерлар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сирдарё вилоятларининг айрим ҳудудларида учрайди. Бу ерларда суғориш ишларини эҳтиёткорлик билан амалга ошириш зарур.

Р.СИДДИҚОВ,
Дон ва дуқакли экинлар илмий тадқиқот институти директори,
қ.х.ф.д., профессор.



КИМЁГАРЛАР ПИЛЛАЧИЛИКНИ ҲАМ ЎЗЛАШТИРИШДИ

(Боши 1-саҳифада)

Кармана ва Навбахор туманлари ҳокимликлари ёрдамида эса, ўзлаштирилмаган ҳудудлардан тут плантациялари яратиш учун ер майдони ажратилган масаласи ҳал қилинди.

– Пиллачилик – ишончли даромад манбаи, – дейди “Навоийазот” АЖ бошқаруви раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Насиба Содиқова. – Моддий манфаатдорлик, оилавий фаровонлик меҳнатга боғлиқ. Биз корхона ишчи-ҳодимларининг ишсиз оила аъзоларининг ҳам бандлигини таъминлаш, оилаларнинг моддий аҳволини яхшилаш ҳамда қўшимча даромад олишлари учун тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда, ипак қурти уруғини тарқатдик. Айни пайтда Кармана ва Навбахор туманларининг ҳар бирида 100 нафардан юртдошимизнинг ипак қурти боқиши учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Ҳа, бугунги кунда корхонада ҳодимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қўшимча даромад олишлари имкон яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу хайрли ишларда Насиба опанинг хизматлари эътиборга лойиқ. У ипак қурти боқиладиган хонадонларда бўлиб, иш жараёни, шароитлар билан яқиндан танишиб, хонадон эгалари билан доимий мулоқотда бўлиб келмоқда. Қўвонарлиси, корхона ишчи-хизматчиларининг ҳар икки туманда истикомат қилувчи ишсиз оила аъзолари эндиликда ана шундай амалий қўмак боис, қўшимча даромад оладиган бўлишди. Бу эса корхона ҳодимларининг кундалик эҳтиётлари каноатлантириши баробарида, уларнинг орзу-мақсадларини амалга оширишда ҳам муҳим қадам бўлмоқда.

Маърифат ШАРИПОВА



(Боши 1-саҳифада)

Томорқада меҳнат қилиб, унинг ортидан ўз оиласини тўқиб қилган бу аёл ўзининг аммам бўлади. Аммам, Бекобод тумани Зарафшон маҳалласи Назарбой қишлоғида оиласи билан яшовчи Онаҳон Ғойипова ниҳоятда тартибли, режали аёл. Ҳеч қачон нолиганини эшитмаганман. Фақат биз, қариндошлар таъқид қиладиган бир-иккита “камчиликлар”и бор. Бу биз учун камчилик, аслида эса... Хуллас, аммам қариндошларнинг ҳадеб ўтказилверадиган гап-ғаштақларида фаол эмас. Қариндошлар кирволиб, дунёнинг у учидан бу учигача бўлган муаммоларни муҳокама қиладиган телеграм гуруҳларимизда ҳам замонада бир ҳол-аҳвол сураб қўйилган нарига ўтмайди. “Дунёни сув босса парвосига келмайди-я” деб бир-бирига ёзиб ҳам қўйишади шу амамин ҳақида дунёни босган сувни “челақаб ташиб қуритаётган”лар. Аммаминг эса дунёнинг қартида микроскопдаям кўринмайдиган томорқасида қилиб қўйган иши бир дунё. Томорқасида қиш-ёзнинг меҳнат қилади. Фақат ўз уйда эмас, қаерда бўлмасин меҳнатдан қочмайди. Одатда, тўй-маърака тугагач, хизматда бўлганлар учун алоҳида дастурхон тузалади. Аммо аммам бу дастурхонга ўтирмайди. Тўй тугаши билан уйига шошади. Ҳар гал бу одатини бир гап билан баҳоналайди: “Ишим бор эди”. Қолганлар эса ундан яна нолиб-нолиб қолаверамиз: “... бир ўтириб гап чайнашам демайди-я. Иш тугайдими? Иш ортимиздан ортиб қоладию” каби кинолар билан. Хуллас, бундай ҳаяжоннинг сабаби бор: анчадан буён бормай-бормай, тунов кунни иш билан аммаминг уйларида бориб қолсам деди. Дарвозаси ёнига келиб қочиб баҳри дилим очилди. Кўзни қувнатадиган манзара. Ҳовлидан ташқарида, дарвозанинг бир ёнида шотут, бир ёнида шўғил гилос пишибди. Дарахлар тағига экилган қулунайнинг қизарганини айтмай-сизми? Беихтиёр озининг таноби қолади. Ҳовлига кириб эса, ҳайратим янада ошди-э, тўғриси айтиш: оғзим очилиб қолди, донг қотганча турдим бир пас. Турли хил гуллар чаман бўлиб очилган. Ҳовлида жимлик ҳукмрон. Чунки аммаминг ката ўғли Алёржон оиласи билан Тошкентда яшайди. Олий маълумотли тадбиркор. Ўз фабрикаси бор. Хорижда маҳсулот экспорт қилади. Буням бошланғичи томоғқа асқотгани аниқ. Қизи Чаросхон эса узатилган, болали-чақали, кичик ўғил Аҳроржон ҳам меҳнат шартномаси асосида хорижда меҳнат қилаётган.

Ҳовлидаги манзарадан ҳушим қочиб, қаққайиб турганимни сезгач, (сезганимни сезмай қилибман) томорқадан аммаминг овози келди: ие, ие, қайси шамол учирди? Ҳозир чикаман, сўрида ўтириб тур, дарахлар ортида фақатгина гоҳ рўмоли, гоҳ гавдасининг бўлаги кўриниб, қўлидаги мато қийқимларини силқитганча менга гапирарди аммам.

ТОМОРҚАДАН ТАЯНЧ ЯРАТГАН АММАМ

– Ишингизни қилаверинг, ўзим ёнингизга бораман, – дедим унинг бандлигини сезиб. Томорқага кириб эканман, чап томонга тартиб билан экилган меваларга қарайман. Ҳосили кўплигидан шохлари ерга теккудай эгилибди. Аммам боғ этагини кўриб, шундай эсимдан чиқиб, боғ оралаб кетибман. Боғнинг бошланишида бир туп нок дарахти гўж-гўж мева қилибди. Бир туп нок дарахтида уч хил нок ҳосилига қараб ажабландим. Қизик, қишлоқнинг бир аёли неларга қодир-а. Меваларни пайванд қилиш, шохларини чиройли қилиб буташда почтам Абдувойит акага тенг келадигани йўқлигини ҳамма қариндошларимиз билишади. Аммо аммам почтамданам ўтиб кетибди. Чунки бундай ишларни анчадан бери ўзи қилаётганини бир гал қулоғимга шипшитгани.

Сал нарида нокдан сал каттароқ олқўри дарахти ҳам ҳосилини кўтара олмайди, шохларини мажнунтол мисол ерга эгиб олибди. Ҳосили зичлигидан барги кўринмайди. Мевасидан ҳар хил навлар чагишмаси эканлигини билиш мумкин. Олқўриларнинг қаршида қаторасига шафтоли кўчатлариям қаддини кўтаролмайди. Тўғриси, шафтолининг навларини яхши билмайман. Билганим луччак навлиги ҳолос.

– У ёқда нима қиласан, мана бу ёққа кел! Аммаминг овози энди боғнинг этагиндан чиқди. Овоз келган томонга юрдим. Эҳ-хе, ана гилосу мана гилос. Сарик, қизил гилослар фарқ

пишган, кўзинг қамашади. Ҳайратимни яширолмадим: вуйи, бунча чиройли. Ҳар сафар олд ҳовлидан қайтавериб, бу боғни кўрмай кетарканман-а, аттанг. Аммам мен билан сўрашибок, қўлимга бир ховуч гилос тутиди ва юр ҳовлига чиқамиз, бу ерда кийимларинг чанг бўлади, деди. “Чанг бўлса, бўлиб ботмон бўла қолсин эди-я, шундай боғим бўлса”, дедим ичимда сассиз албатта. Овоз чиқариб айтсам худди ҳавасим тескари маъно берадигандай туюлди. Шу ерда, дарахлар орасида қолгим келди. Дарах тағида турган стулчалар томон юрдим.

– Келинг, шу ерда бироз ўтирайлик, ана, стулчалар ҳам бор экан...

Аммам номига илтифот қилишни унча ушламайди, шу боисдан “йўғе, уйга кирамиз, чой ичамиз, ҳозир овқатга уйнаймиз, ё овқатим тайёр”, деган кўнгли олар гапларни қилмади. Иккимиз стулчаларга ўтирдик. Сўхбатимиз кизигандан қизиди. Аммамининг шу вақтгача мен билмаган сирлари бор экан. Шу тобда ўз оғзидан эшитдим. Катта-кичик нашрларда ёзиб юрган эмасманми, бу ҳақда ёзиш керак, деган ўй энди мени безовта қила бошлади.

– Институтни битиргач, поччанг ишламади. Мен ҳам ошиқча тижирлик қилмадим. Ўзи шароит ҳам кўтармаётган эди. Катта ҳовли, уч овсин, бир ҳовли бола. Кунора бир тандир нон ёпамиз. Томорқа катта. Эркаклар ишда. Томорқанинг барча иши биз, аёлларга тан эди. Орадан беш-олти йил ўтиб кичик овсин олдик. Кейин биз мана шу уйга алоҳида бўлиб чиқдик. Бошида бу уйлар чала, фақат икки хонаси битган эди. Болалар катта бўлиб мактабга чиқа бошлади. Поччангнинг ўзи учун рўзгор, болалар

ташвишидан ортиб, уйни чаласини битириш осонмаслигини билардим. Кўчиб чиққан йилмиз уч-тўрт туп мевали дарахт экдик. Кейинги йил Тошкент шаҳридаги махсус қўчат етиштирилмаган боғдан ўзим атай бориб мевали дарахлар олиб келдим. Икки йилда бирин-кетин дарахлар ҳосилга кира бошлади. Хурсанд бўлиб кетдим, худди телевизорда кўрсатадигандай серхосил эди. Қишга мураббо, туршак қилдим. Ортганини бозорга олиб бориб сотдим. Рўзгорга ёрдам бўлди. Бўш жойларга редиска, укроп, кашини экдим. Бир қарич жойни бўш қўймадим. Шундан қиши билан ҳам қўлимиздан пул узиладим. Поччангнинг ойлгини йиғдик. Мол-ҳол олдик. Энди ишларин аввалгидан ҳам кўпайганди. Чунки сигир соғиш, сутини сарамжон-саршига қилиш ҳам анча вақтни олади. Уй иши, болалар тарбияси билан бўлиб, қўчага чиқишга вақтим бўлмасди. Қўшни аёллар гаплашиб турганини кўриб, баъзан ҳавасим келарди. Аммо вақтимни қизганардим. Поччанг кўшниларикига чиқишимга, меҳмонга боришимга ҳечам қаршилиқ қилмаган. Ўзим ҳам имкон қадар элдан, қариндош-уруғнинг тўй-маъракасидан қолмасликка уринаман. Орадан йиллар ўтди. Катта ўғлим, институтга кирди. Шу томорқа туфайли унинг ўқиш харажатларида умуман қийналмадик. Ҳа, томорқа иш бериб ўзимизни анча тиклаб олгандик. Ёшлигимиздан деҳқончилик сир-асорини ўргатиб, меҳнатда чиниктирган дадамнинг, рўзгорнинг паст-баландини, оила мустақамлигига аёлниги ўрнини билдирган онаминг ўғитларига амал қилиб, кам бўлмадим. Шу ерда менинг бобом ва момом ҳақида гап кетганидан юрагим “жиз” этди. Ҳа, буёғини аммам айтмасаям биламан, келин олишди, қиз чиқаришди.

– Кувём бир кун малина кўчатларидан талайгинасини олиб келди, – яна деҳқончилигидан давом этди аммам. – Беор нарса экан. Тез қатта бўлди. Яна ҳосилини айтмайсанми? Пешма-пеш пишганини тераверасан. Бозори чаққон. Мўмайгина даромад манбаи. Кейинги йилда малинанинг ёнига смородина экдик. Поччанг чиройли қилиб ишқом қилиб берди. Ҳам жой тежалди, ҳам теришга қулай бўлди. Бу йил яна малиназорни кенгайтирдик. Кўчатларни ўзимиз чиқаряпмиз. Поччанг қаламчасидан кўпайтириш усулини роса йўлга қўйиб олган. Эрта баҳор қариндош-уруғ, таниш-билишларга анчагина малина кўчатидан сотдик, сўраганига текин тарқатдик.

Сўхбатимизни болаларнинг шовқини бузди. Кун боғтаётгани сабаб болаларнинг ўзлари кўринмасди. Фақат овози баралла эшитилиб турарди. Овоз келган томонга юрдим. Тўртта



бола бемалол гилосхўрлик қилишарди. Болалар мени кўриб ҳам пинагини бузмади.

– Иее, болалар, бировнинг боғига рухсат-сиз киргани уялмайсанларми? Қани, тезда бу ердан кетинларчи, – дея ўқитувчимасманми, дарвор болаларга дакки бериб, панду насихат қилишга тушдим.

– Бу боғ Абдувойит амакинники, бизга истаганда келиб, ейишимизга ўзлари рухсат берганлар, – деди болалар ҳам бўш келмай. Аммам эса болаларга қараб: шохини сиңдирманглар, авайлаб териб енглар. Эҳтиёт бўлинлар, яна йиқилиб, бирор жойингизни майиб қилманглар, деганча шохда бемалол ўрнашиб олган, ўзининг боғида ўтиргандай гилос териб еяётган болаларга қаради. Аслида, аммам менга бизда шундай, дегандек изоҳ бериб бу гапи билди. Бироз ажабландим, ўринсиз аралашиб қўйдимми, деб бироз хижолат ҳам бўлдим. Менинг ҳолатимни кўриб аммам қулди: тўғри айтишяпти, поччанг ўзи рухсат берган. Еса бир кило, икки кило ейди. Шулардан ортса бизгада. Бир гилос эмас, қолган мевалар пишса ҳам қўшни болаларга илинади поччанг. Атай қаққиб келиб, тўйгунча меҳмон қилади. Шулардан ортаням етади бизга ейишгача, сотишгача.

Ҳовли томон юрар эканман, ортимга яна бир бор қарадим: бир қарич ер ҳам бўш эмас. Ҳайратим аням орди. Уйлайман: аммаминг, поччангнинг биз билмаган яна қандай хислатлари бор экан-а?.. Бувимнинг бир гапи ёдимга тушди. “Меҳнат қилганнинг куни ўзгача, дангасаники ўзича ўтади”. Бу ҳақиқат эканлигига бугун яна бир бор амин бўлдим.

Муҳайё ЎРОҚОВА

Бекобод тумани.



Махтумқули таваллудининг 300 йиллиги олдида

МАХТУМҚУЛИ – ИЛҲОМ ЧАШМАСИ

Мухбиримиз "Махтумқули" романи муаллифи, ёзувчи Қурбон Муҳаммадризо билан Махтумқули шахси ва унинг ижодининг туркий халқлар ўртасида тугган ўрни борасида суҳбатлашди.



– Устоз, Махтумқули ижодининг жаҳон адабиётида тугган ўрни ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

– Ўлмас асарлари билан жаҳон адабиётининг олтин хазинасидан ўрин олиб, умумбашарий маънавиятга салмоқли хисса қўшган қалам соҳиблари аслар оша инсониятнинг буюк даҳолари сифатида қадрланиб келади. Маърифий шеърининг буюк дарғаларидан бўлган, Туркман халқининг улуг соҳиби, ҳикмат шоири Махтумқули (Фирогий) шулардан бири.

Дунёда элу элатларни, халқларни бир-бирига ҳам-қору ҳамқадам қиладиган восита ва омиллар кўп. Ўзбек ва туркман халқлари тарихида ҳам бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Аммо Махтумқулининг икки халқнинг дарду аламларини, орзу-армонларини, маънавиятни ва қисматини яқинлаштиришдаги, яъни икки халқ калбини бир-бирига пайванд этишдаги хизматлари айниқса, беқиёс ва унутилмасдир. Улуг шоирнинг шеърӣ девонларининг жаҳондаги ўнларча халқлар тилларига таржима этилиши, унинг туркман маданияти, руҳияти, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи билан танишишларига имкон яратди. Шоирнинг инсон ҳаётининг энг нозик, энг муҳим муаммолари ҳақида баҳс юритувчи ёлқинли ижоди, мардона шахсияти жаҳоннинг таниқли сиймолари, маданият ва маърифат арбоблари томонидан ҳам муносиб баҳолаб келинмоқда. Яъни бу фикр дунёнинг таниқли олимлари-ю шоирларидан академик В. Бартольд, венгер олими А. Вамбери, рус ёзувчиси Н. Тихонов, қирғиз халқи адаби Ч. Айтматов, ўзбек шоири А. Мухтор, туркман ёзувчиси Б. Сейтаков ва бошқаларнинг шоир ижоди ҳақидаги таърифларида ўз исботини топган. Махтумқули шеърлари мажмуасининг 1842 йилда Англияда, 1862 йилда Қозон ва Петербургда, 1879 йилда Германиянинг Лейпциг шаҳрида нашр қилиниши адабиёт майдонида катта воқеа бўлди. Ўз вақтида истеъдодли ўзбек шоири А. Мухтор туркман халқига қарата "Махтумқулига биз ҳам сиз билан шерикликка ҳаққимиз бор. Унинг Бухорода ўқиганлиги, Навоийни устоз деб билганлиги учун эмас, балки у ўзбек халқининг ҳам дардини кўйлаганлиги, унинг тақдирига бефарқ бўлмаганлиги сабабли ҳам уни ўзимизга дахлдор, деб ҳисоблаймиз", дея яхши фикр билдирганди. Шу фикрдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳазрат Навоий билан ўзбек ва туркман халқлари қандай фахрланса, Махтумқули билан ҳам бу икки қондош халқ шундай фахрланади.

– Махтумқули ҳаёти ҳақида маълумот берсангиз. Унинг ижоди Хоразмда севиб ўқилади, донишмандона шеърлари кўшиқ қилиб кўйланади. Хоразмлик ижод аҳли Махтумқули ижодидан илҳом олиб, гўзал шеърлар битишмоқда.

– Махтумқули (тахаллуси Фирогий) шоир Давлат-мамад Озодийнинг ўғли, 18-асрда яшаб ўтган туркман шоири ва мутафаккири. У аввал Идрис мактабида, сўнгра Бухоро, Хива мадрасаларида тахсил кўрган. Жаҳоннинг кўпгина шаҳарларида бўлган. Эрон, Ҳиндистон, Сурия, Озарбайжон ва Марказий Осиёнинг кўпгина ҳудудларида, Ўзбекистонда, шу жумладан Андижон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа шаҳарларида бўлган. Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Фирдавсийлар ижодидан баҳраманд бўлган. Ундан ниҳоятда кўп лирик шеърлар, лиро-эпик дostonлар ва ғазаллар мерос қолган. Дарҳақиқат, Махтумқули ижодий мероси шундай тубсиз чашма, олмосдек кўп қирраллики, ундан яна минглаб мақолаларга мавзу келиб чиқаверади. Махтумқули ижодининг аксарияти ислом дини, тасавуф таълимоти, илми ладунийга асосланган. Шу билан бирга, шоир замонасининг етуқ алломаси, ҳикмат соҳиби бўлган ориф инсондир. Унинг панд-насихат руҳида ёзилган шеърлари, адолат, маърифатни, ватанпарварликни, яхшиликни, қалб гўзаллигини улуғлаб, золимликни, адолатсизликни, кўрқокликни, мактанчоқликни, кибр-ҳавони қоралаб ёзилган ижтимоий мавзудаги асарлари бугунги кунда ҳам долзарб мавзу бўлиб, шоирларнинг,

ҳатто оддий халқнинг юрагидан ўрин олган. Яъни унинг шеърляти ниҳоятда тасвирчан ва ҳаётбахшидир. Лазги куйига ўйинга тушолмайдиган ёки уни севиб томоша этолмайдиган хоразмлик топилмаганидек, машхур санъат устаси К.Отаниёзов таъбири билан айтганда, Махтумқулининг ҳеч бўлмаганда 3-4 та шеърига куй басталаб кўшиқ айтмаган хонандани Хоразмда созанда ҳисобламайдилар. Шунингдек, шоир шеърларидан тўрт-беш мисра билмайдиган хоразмлик ҳам бўлмас керак, деб ўйлайман. Махтумқули ўздан кейинги нафақат туркман, шунингдек, унинг услубига ошuftа бўлган ва кўпинча шу услубда ижод қиладиган бир қатор издош ўзбек ва бошқа туркий шоирларининг ҳам қадрли устозидир. Унинг асарлари ҳозирги ижодкорлар учун илҳом чашмаси ҳам бадиий маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, таниқли адиблар Омон Матжон, Эркин Самандар, Матназар Абдулҳаким, хоразмлик иктидорли ижодкор Ўқтам Давлатов ва бошқалар Махтумқули йўлида ҳам кўпгина туркум шеър ва кўшиқлар яратганлар ва яратмоқдалар.

– Махтумқули ижодига илҳомингиз қандай пайдо бўлган? "Махтумқули" романининг ёзилиши ҳақида ҳам тўхталсангиз.

– Дадам Ғуломмирза Муҳаммадризо ўғли Махтумқули шеърлятининг билимдони ва шоирнинг илҳомсандаи эди. У иштирок этган бирор маърака, тўй, ўтиришма (яқин дўстлар гурунги) бўлмаганки, Махтумқули шеърларидан бир парча келтирилмаган бўлса. Падали бузругимиз ҳатто биз, фарзандларига берган насихатини ҳам Фирогий шеърлари либосига ўраб онгимизга сингдирарди. Кейинчалик дадамизнинг бу "касали" менга ҳам юқди. Шу сабаб бўлгандирки, Аллох туркман халқининг улуг донишманди ҳақида асар битиш ниятини кўнглимга солди. Дарвоқе, менинг драматург-ёзувчи сифатида элга танилишим мумтоз шоир ҳақида "Махтумқули" тарихий мусиқали драмасини яратишим билан бевосита боғлиқ. Бу пьеса менинг дастлабки сахна асарим эди. Спектаклда Махтумқули тимсолида улуг файласуф шоирнинг ҳақиқат, адолат учун олиб борган қураши, ўзбек, туркман, қозоқ, қирғиз, тожик ва қорақалпоқ халқининг азалий дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида кўрсатган жонбозлиги тарихий лавҳалар мисолида бадиий бўёқларда акс эттирилади. Шоир ҳаётига бағишланган бу мусиқали драма 1966 йилда Огаҳий номли Хоразм вилояти театри ижодий гуруҳи томонидан муваффақиятли сахналаштирилди. Сўнг у республиканинг деярли барча шаҳарлари театрларида кўйилди. Туркманистонда гастрол сафарларида бўлди, республика радиосининг олтин фондига ёзиб олинди. Ушбу мавзу яна давом эттирилиб, 2010 йилда "Махтумқули" романим чоп қилинди. Тўғри, аввал йирик насрий асар ёзиш ниятим йўқ эди. Лекин Махтумқули ҳаётини яхшироқ ўрганишга қизиқиб қолдим, шоир асарларини мутулаа қилиб бордим, бу ҳақда мақолалар ёздим, газеталарда, телевидение-радиоларда чиқишларим ва кўп суҳбатларим шу улуг донишманд шоир тўғрисида бўларди. Унга ўхшатма кўшиққоб шеърлар ёздим. Шоирнинг ҳаёти ва ижодига кириб борганим сари унга илҳом яна оша борди. Унинг тўғрисида туркман ёзувчилари қаламига мансуб кўп илмий, публицистик, шоир таржимаи ҳолига доир китобларни ўқидим, шу давр тарихини титқиладим ва ниҳоят улардан шоир ҳаётини ўрганиш билан боғлиқ бўлган бой маълумотга эга бўлдим. Булар менинг Махтумқули даврини, қардош туркман халқи ҳаётини, шоир сиймосини тасаввур қилишимга катта ёрдам берди. Шундай қилиб, мия "архивида" Махтумқули борасида 30-40 йиллик "хужжатлар" йингилиб қолган бўлса-да, бевосита асарнинг ёзилишига роппа-роса икки йил вақт кетди. Лекин нашриётдаги ҳамкасблар ҳаммасини ўрганиб, китоб охирида бу муддатни ўн йил деб ёзиб қўйсақ тўғри бўлар, дея маслаҳат беришганди, рози бўлдим.

– Президентимизнинг Махтумқули Фирогий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарорин чиқди. Шу юзасидан ўз олдингизга қандай режаларни кўйдингиз?

– Ўзбекистон ва Туркманистон давлатлари ўртасидаги дўстлик ҳамда яхши кўшничлик муносабатлари тарихида янги давр бошланган ҳозирги пайтда Махтумқули Фирогийнинг ўлмас бадиий мероси халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этмоқда", дейилади мазкур қарорда. Биз, ижодкорлар ушбу қарорда илгари сурилган кўрсатмаларга амал қилган ҳолда, уни халқимиз онгига мустаҳкам сингдириш борасида ижодий режалар туздик. Яъни вилоят театри ижодий жамоси билан "Махтумқули" тарихий мусиқали драмасининг янги вариантини ишлаб чиқдик ва уни шоир юбилейи тантаналари кунда Хивада ва Туркманистонда намойиш қилишга ҳозирлик қўриляпти. Шу жараёнда республикамизда, шу жумладан, вилоятимизнинг барча шаҳар, туманларида, ўқув даргоҳларида шоир таваллудининг 300 йиллигига бағишланган суҳбатлар, ижодий кечалар ўтказилиши режалаштирилган. Бу тадбирларнинг албатта, тарихан қондош бўлган, томири бир икки халқ ўртасидаги азалий дўстликнинг яна ҳам мустаҳкамланишига, ижтимоий, иқтисодий, маданий алоқаларимизнинг гуллаб-яшнашида катта аҳамият касб этишига замин ҳозирлаши турган гап.

– Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур! "Qishloq hayoti" газетаси мухбири Болтабой МАТҚУРБОНОВ суҳбатлашди.



ТАРИХДА ИЗ ҚОЛДИРИШ ШУКУҲИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Тўйхат ўрнида

Мустақиллик йилларида Жиззах вилояти ҳар томонлама ривожланди. Айниқса, сўнгги етти-саккиз йил ичида амалга оширилган изчил ислохотлар натижасида вилоятнинг sanoat, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, бизнес ва тадбиркорлик, маданият ва спорт, ижтимоий соҳаларида мисли кўрилмаган ривожланиш рўй берди. Эътирофга лойиқ кўрсаткичлар ҳақида сўз кетганда, бу ишларга замин бўлган омиллар, вилоят миқёсида амалга оширилган кенг кўламли хайрли ишларга камтарона меҳнати билан ўз хиссасини қўшган инсонлар ҳақида эслаб ўтиш жоиздир.

Жиззах воҳасининг янги тарихи яратилишида ўзига хос ўрин тутувчи ана шундай инсонлар сафига, шубҳасиз, лавҳамиз қаҳрамони – бугунги кунда ўзининг табаррук 80 ёшини қаршилаётган Абдумурод Пардаевни ҳам киритиш мумкин.

Тошкент политехника институтининг тоғ-металлургия факультетини тамомлаганимдан сўнг Қурилиш вазириликда оддий лойиҳачи сифатида бошланди...

1973 йилнинг 29 декабрь куни Ўзбекистон харитасида Жиззах вилояти пайдо бўлди. Эндигина 30 ёшни қаршилаётган Абдумурод иккаланмасдан пойтахтдаги "Иссиқ ўрни"ни тарк этиб, янги вилоят томон эзгу орзу-умидлар билан йўл олади. Саккиз йил давомида Жиззах шаҳридаги нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёда ягона бўлган корхона – оҳақ ишлаб чиқариш заводида ишлаб, бўлим

Реклама ва эълонлар

MAXAM-CHIRCHIQ

SHOSHILING !!!

Kaltsiy va magniy mikroelementli

AMMIAKLI SELITRA

Birja savdolarida.

Mahsulot sertifikatlangan № UZ-SMT.01.080.64398163 GOST 2-2013

Manzil: Toshkent viloyati Chirchiq shahri Toshkent ko'chasi 2-uy.

Tel: +998 (7071) 6-25-20, 6-34-40, 9-35-08.
Faks: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chichiq.uz
www.maxam-chichiq.uz

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри Намуна маҳалласи Бирлашган кўчаси 23-уй 2-хонадонда жойлашган "ALFA CONSTRUCTION AND PROJECT" (ИНН 305545346) МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри "Бўстон" МФЙ, 4-мавзе 4-уйда жойлашган "TUNNEL CONSTRUCTION AND PROJECT" (ИНН 302562178) МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирилр Маҳкамаси комплекс таркибидagi
ҳамда бошқа дахлдор вазирилк ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**
Тахрир хайъати:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,
Актама ХАЙТОВ, Махмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СҮЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-517. 1410 нусхада чоп этилди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва сақидиланди.
Тахрират назилы: Ташкент вилояти Кибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Бахоси келишилган нархда.
Газета "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонасида босилди.
Босмоҳона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2616-7023

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.00